



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№4/1

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин ститутути

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

Ўзбекистон худудида

тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтути ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Sanjarbek Komiljon o‘g‘li Boyjigitov Bозor mexanizmlarini takomillashtirishda iste‘molchilarning sodiqligidan foydalanish yo‘llari	155
Нилуфар Абдуазизовна Рахимова Замонавий ташкилотларда бошқарув тузилмаларининг аҳамияти ва турлари	158
Ирода Аминжоновна Умурзакова Рекламная деятельность в экономике: проблемы и перспективы	162
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Эркин Норматович Ходжаев, Зухур Давронович Ниёзов, Ойбек Эркинович Ходжаев Молиявий ресурсларни кўпайтиришда вексель муомаласидан фойдаланиш	166
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Азимжон Фаррухович Мустафоев Республика миллий иқтисодиётида нодавлат таълим ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги хусусиятлари	171
Azamat Abdiraximovich Eshonqulov Tarkibida sho‘ba korxonasi bor korxonalarda konsolidatsiyalashgan MНXS asosida tuzish uslubiyotini takomillashtirish	177
Maуram Xamidovna Xalimova Aksiyadorlik jamiyatlarining auditorlik tekshiruvida yuzaga keladigan muammolari va istiqbollari	182
Заррух Умарович Мухаммадиев Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш: халқаро ва миллий жиҳатлар	188
Dilfuza Samiddinovna Tashnazarova Process costing tizimini takomillashtirish masalalari	193
Iroda Boykobilova Issues of bringing accounting and reporting of economic entities into line with national and international standards.	196
Тоҳир Толмас ўғли Сатторов Корхоналарда пайпоқ ишлаб чиқариш жараёнлари ҳисобининг хусусиятлари	201
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Дилобар Караматовна Гафурова Олий таълим муассасалари рақобатбардошлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	205
Mohinur Ravshanbekovna Maxmudova O‘zbekistonning barqaror rivojlanishida bilimlar iqtisodiyotining ahamiyati	210
Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Таълим хизматлари бозорини таҳлил қилишда корреляция таҳлилини қўллаш амалиёти	214
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Ҳаёт ҳақида мутафаккирлар ҳикматлари	217

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ

Азимжон Фаррухович Мустафоев – СамЙСИ таянч докторанти

РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИДА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СУБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатда нодавлат ташкилотларининг ўрни, ушбу ташкилотлар таркибида нодавлат таълим ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги аҳамияти, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимлар томонидан нодавлат таълим ташкилотларига оид ишлаб чиқилган таърифлар ҳамда улар бўйича тавсия этилган муаллифлик таърифи каби масалалар ўрин олган.

Калит сўзлар: нодавлат ташкилотлар, нодавлат таълим ташкилотлари, таълим хизматлари, умумтаълим ташкилотлари, мактабгача таълим ташкилотлари, таълим жараёни, молиявий ҳисобот.

Кириш. Мамлакатимизда 2023 йил 1 майда янги таҳрир остида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида “Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди. Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир”¹ деб келтирилган. Ўзбекистон Республикасининг фаровонлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Конституциямизда белгилаб қўйилган бундай нормалар шуни билдирадики, мамлакатимизда таълим хизматлари, жумладан нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш давлат томонидан устувор вазифа ҳамда йўналиш сифатида белгилаб қўйилган. Миллий Қомусимизда белгиланган ушбу устувор вазифаларни ҳал этиш, хусусан давлат ташкилотларини хусусийлаштириш орқали нодавлат ташкилотлар сонини ошириш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, нодавлат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар қилиб бериш мақсадида, Ўзбекистон республикаси Президентининг “Иқтисодиётда давлат иштирокини қискартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Республикамизда сўнгги йилларда қабул қилинган бу каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш натижасида “2020 – 2023 йилларда 4,5 мингта давлат активларининг хусусийлаштирилиши натижасида 20 мингдан ортиқ янги иш ўринлари барпо этилди, хусусийлаштирилган корхоналарнинг солиқ тушумлари 1,3 баробарга, соф активлари эса 1,5 баробарга ошди”². Мамлакатимизда бугунги кунда рўй бераётган бу каби натижалар нодавлат ташкилотларининг миллий иқтисодиётда туган ўрни ва мавқеини белгилаб беради.

Юқорида келтирилган долзарб масалалардан келиб чиққан ҳолда, мазкур тадқиқот ишимизда нодавлат ташкилотлари ва улар таркибидаги нодавлат таълим ташкилотларининг миллий иқтисодиётимиз равнақи йўлида туган ўрни, нодавлат таълим ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги хусусиятлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мамлакатимизда бугунги кунда нодавлат ташкилотлари турли хил соҳаларда фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар томонидан кўрсатиладиган фаолиятлар ўз навбатида нотижорат ва тижорат мақсадида амалга оширилиб, улар бир-биридан фарқ қилади. Хорижий адабиётларда “Таълим хизматларини турли фанлар бўйича таълим ёки кўрсатмалар сифатида тушунтириш мумкин. Ушбу

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 01 май.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда давлат иштирокини қискартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2024 йил 19 апрель. ПҚ-162-сон.

таълим муассасалари хусусий ёки давлат ташкилотлари бўлиши мумкин. Хусусий таълим хизматлари фойда олиш мақсадида ёки ҳеч қандай фойда олмасдан ишлаши мумкин”¹, деб келтирилган. Халқаро адабиётларда келтирилган ушбу тавсифдан кўриш мумкинки, таълим хизматлари давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан амалга оширилиб, нодавлат ташкилотлари томонидан таълим хизматларини амалга ошириш жараёнларидан кўзланган мақсад фойда олишга ёки олмасликка қаратилган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Қонунида “Нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсадида қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир”², деб таъриф келтирилган.

Мамлакатимиз олимларининг илмий тадқиқот ишларида, жумладан М.С.Хожиев томонидан бажарилган тадқиқот ишида қуйидагича таъриф берилган: “Нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, фойда олишни асосий фаолиятнинг мақсади қилиб олмаган ва ўз устави доирасида қўшимча тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда олинган фойдани ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқарувчи юридик шахсдир”³. Ушбу таърифдан кўриш мумкинки, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган фаолият натижаси фойда олишга қаратилган бўлмайди ва таъсисчилари бундан манфаат кўрмайди.

Нодавлат ташкилотлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини кўрсатишдан асосий мақсад фойда олишга қаратилган бўлса, бундай ташкилотлар нодавлат тижорат ташкилотлари ҳисобланади. Бундай нодавлат тижорат ташкилотлари жумласига таълим хизматларини кўрсатувчи нодавлат таълим ташкилотлари киради.

Бу борада Т.Тимофееванинг илмий тадқиқот ишида таълим хизматларига шундай тавсиф берилган: “Таълим хизматлари нодавлат таълим ташкилотларида пуллик асосида амалга оширилади. Пуллик таълим хизматлари нодавлат олий таълим муассасаларида асосий даромад манбаи ҳисобланади”⁴. Олим нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматларини кўрсатишдан олинган даромад асосий фаолият эканлигини қайд этиб ўтган.

В.Н.Пугач ва С.В.Абдуллиналарнинг таъкидлашларича “Таълим хизмати – бу жамиятнинг ҳаётий жараёнларини уйғунлаштириш муассасалари орқали таълим тизимидан импульсларни маълум бир соҳага ўтказиш учун мураккаб ташкил этилган меҳнат ҳаракатлари жараёнлари”⁵.

В.Н.Зотов, “Таълим хизмати – бу ижтимоий ва махсус хусусиятга эга бўлган билимлар йиғиндиси шаклида фуқарога бериладиган ўқув ва илмий маълумотлар ҳажми бўлиб, маълум бир дастур бўйича фуқарога бериладиган амалий кўникма”⁶ деб таъриф берган бўлиб, ушбу таъриф таълим хизматлари бўйича умумий ёндашувларни ўзида камраб олади.

Ш.Кулдашев “Таълим хизматлари – бу белгиланган тартибда таълим ва малака тўғрисидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган муайян компенсация, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш натижаси ҳисобланган таълим фаолиятини амалга ошириш жараёнида таълим муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизмат”⁷ деб таъкидлайди. Олий таълим

¹ <https://www.teachmint.com/glossary/e/educational-services/>

² Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни. 2099 йил 14 апрель. 763-И-сон.

³ Хожиев М.С. Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш. Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019. 57-бет.

⁴ Тимофеева Т.В. Бухгалтерский учет доходов и расходов негосударственных образовательных учреждений. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва: 2009. 171-с.

⁵ Пугач В.Н., Абдуллина С.В. Образовательные услуги: общие понятия // Интернет-журнал “Науковедение”. № 2, 2013.

⁶ Зотов В.Н. Разработка стратегии и тактики маркетинговой деятельности вузов на рынке образовательных услуг и научно-технической продукции: Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М.: РЭА им. Г.В. Плеханова, 1997. -21 с.

⁷ Кулдашев Ш.А. Таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш. Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. -Т.: 2023.

муассасалари мисолида ёритилган ушбу илмий тадқиқот ишида ҳам таълим хизматларини фақатгина малака ва кўникмаларнинг йиғиндиси, деб таърифлаб ўтилган.

Мамлакатимизда мазкур нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, уларда таълим хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятларини кенгайтириш, Давлат томонидан мамлакат иқтисодиётини юксалтириш мақсадида, мазкур хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугунги миллий иқтисодиётнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Мамлакат миллий иқтисодиётида нодавлат таълим ташкилотларининг роли, ушбу ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқот ишларида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, нодавлат таълим ташкилотлари мактабгача таълим ва тарбия (бундан оилавий мактабгача таълим мустасно), умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим¹.

Олиб борилган тадқиқотларимиз давомида нодавлат таълим ташкилотларининг турларини қуйидаги расм орқали ифодаладик:



1-расм. Нодавлат таълим ташкилотларининг таркибий қисмлари²

Ушбу расмда келтирилган нодавлат таълим ташкилотлари таркибидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда нодавлат умумтаълим ташкилотлари бевосита Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига нодавлат олий таълим ташкилотлари эса, ўз навабатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига қарашлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармонида мамлакатда умумтаълим соҳасини янада ривожлантириш учун нодавлат ташкилотларини кенг жалб қилиш мақсадида “Нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари сонини 1000 тага етказиш, келгуси беш йилда нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш учун 1 триллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратиш”³ бўйича устувор вазифалар ишлаб чиқилган. Республикаимиз миллий иқтисодиётини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатлар

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 2020 йил 23 сентябрь, № ЎРҚ-637-сон.

² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2023 йил 11 сентябрь. ПФ-158.

натижасида таълим хизматлари фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат умумтаълим ташкилотлари, қолаверса бошқа турдаги нодавлат таълим ташкилотлари сони ҳам ошиб бормоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ушбу нодавлат таълим ташкилотларининг йиллар кесимидаги улушини қуйидаги жадвал маълумотлари орқали ифодаладик:

1-жадвал

2018-2023 йиллар кесимида нодавлат мактабгача, умумтаълим ҳамда олий таълим ташкилотлари¹

№	Нодавлат таълим ташкилотлари	Нодавлат таълим ташкилотлари сони					
		2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
1	Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари	754	1105	1670	1549	1826	
2	Нодавлат умумтаълим ташкилотлари	58	91	102	135	194	293
3	Нодавлат олий таълим ташкилотлари	1	4	5	17	42	90

Мазкур жадвал маълумотлари асосида кўриш мумкинки, нодавлат таълим ташкилотларининг барча турлари йилдан-йилга тез суръатларда ортиб бормоқда. Фақатгина, пандемия шароитида нодавлат таълим ташкилотлари таркибида мактабгача таълим ташкилотлари сони озроқ пасайган бўлсада, бироқ кейинги йилларда уларнинг сони ҳам ошиб борганлигини кўриш мумкин. Тадқиқотларимиз давомида ушбу нодавлат таълим ташкилотларида мавжуд бўлган иш ўринлари сони бўйича ҳам кўрсаткичларни таҳлил қилиб чиқдик ва уларни қуйидаги расм кўринишида ифодаладик:



2-расм. 2017-2023 йилларда нодавлат мактабгача таълим ва умумтаълим ташкилотларида иш ўринлари сони²

¹ Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

² Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Ушбу кўрсаткичлардан кўриш мумкинки, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони ортиб бориши билан бир қаторда ушбу тармоқ ташкилотларида янги иш ўринлари ҳам пайдо бўлмоқда. Бу эса, иқтисодиётнинг ривожланиши учун муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Юқорида келтирилган статистик рақамларни таҳлил қилиш асосида хулоса қилиш мумкинки, мамлакат миллий иқтисодиётида нодавлат ташкилотларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этиб, булар таркибида нодавлат таълим ташкилотлари фаолияти, жумладан таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Республика миқёсида нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, ушбу ташкилотларда турли хил таълим хизматларини кўрсатиш жараёнини тўғри ташкил этиш, таълим хизматлари турларини кўпайтириш, уларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, ички бошқарув тизимини тўғри йўлга қўйиш, молиявий-бошқарув ахборот фойдаланувчиларнинг талабларига мувофиқ ҳисоботларни тақдим этиш каби вазифалар бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Юқорида олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида “нодавлат таълим ташкилотлари” терминига уларнинг фаолият доирасидан келиб чиққан ҳолда, мазмун-моҳиятини тўлиғича ўзида мужассам этувчи муаллифлик таърифи ишлаб чиқилмаган. Иқтисодий фанлар, қолаверса бухгалтерия ҳисоби назарияси олдида мавжуд бўлган ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида мазкур тадқиқот ишида нодавлат таълим ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги хусусиятларини ўзида қамраб олувчи муаллифлик таърифи тавсия этилди. Бизнинг фикримизга кўра, **“Нодавлат таълим ташкилотлари – бу давлат таълим стандартлари ва талаблари бўйича ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, таълим хизматлари фаолиятини пуллик асосда кўрсатиш орқали фойда олиш мақсадида ташкил этилган юридик шахс”**. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган мазкур муаллифлик таърифи мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹ги Қарорида нодавлат таълим ташкилотларининг таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятлари бўйича белгиланган тартибларга тўлиқ мос келади. Шунингдек, ушбу муаллифлик таърифи бухгалтерия ҳисобини ҳам назарий ва ҳам илмий томондан бойитишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар. Республикаимиз аҳолисининг турли кўринишдаги ва босқичлардаги таълим хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Юқоридаги тадқиқот натижаларини умумлаштирган ҳолда, мамлакат миллий иқтисодиётида нодавлат таълим ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини янада кўтариш, улар томонидан кўрсатиладиган таълим хизматларининг турлари ва сифатини янада такомиллаштиришга оид бир қанча муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлиб, бу борада илмий хулосалар ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишни лозим деб топдик:

1. Мамлакатимизда ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилган бўлиб, тижорат фаолияти билан шуғулланувчи, хусусан таълим хизматларини кўрсатувчи нодавлат ташкилотлари фаолиятини барча жабҳаларини тартибга солиш мақсадида “Нодавлат тижорат ташкилотлари тўғрисида” Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

2. Бугунги кунда нодавлат таълим ташкилотлари энг тез ривожланаётган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2017 йил 15 сентябрь. ПК-3276-сон.

тармоқларга айланиб бораётган бир пайтда ушбу ташкилотлар фаолиятини доимий тарзда назорат қилиб бориш, улар фаолиятини янада ривожлантириш, таълим хизматлари турлари ва сифатини янада ошириш мақсадида давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий томондан кўллаб-қувватлаш, уларга турли кўринишдаги имтиёзлар бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

3. Нодавлат таълим ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар таннархини аниқлаш, бунда нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматларини кўрсатиш жараёнларини тўғри ташкил этиш, ушбу жараёнларда харажатлар бухгалтерия ҳисобини юритиш, ушбу жараёнларни молиявий ва бошқарув ҳисобот шаклларида шаффоф акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

4. Мамлакатимиз бугунги бухгалтерия ҳисоби олдида турган энг долзарб вазифаларидан бири бу, албатта, корхоналарда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”¹ Қарори ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу меъёрий ҳужжатда йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган нодавлат таълим ташкилотлари ҳам ўзлари томонидан юритиладиган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини халқаро стандартларга мувофиқ тарзда олиб боришлари белгилаб қўйилган.

Нодавлат таълим ташкилотларида ташқи инвесторларни жалб қилиш ушбу ташкилотларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга, таълим хизматлари сифатини халқаро тажрибаларга мослаштиришга, нодавлат таълим ташкилотлари даромадларини ва фойда кўрсаткичларини оширишга, буларнинг барчаси эса, мамлакат миллий иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий томондан янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 01 май.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни. 1999 йил 14 апрель. 763-І-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 2020 йил 23 сентябрь, № ЎРҚ-637-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда давлат иштирокини кискартиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2024 йил 19 апрель. ПҚ-162-сон.
5. Хожиев М.С. Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019. 57-бет.
6. Тимофеева Т.В. Бухгалтерский учет доходов и расходов негосударственных образовательных учреждений. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва: 2009. 171-с.
7. Пугач В.Н., Абдуллина С.В. Образовательные услуги: общие понятия // Интернет-журнал “Науковедение”. № 2, 2013.
8. Зотов В.Н. Разработка стратегии и тактики маркетинговой деятельности вузов на рынке образовательных услуг и научно-технической продукции: Автореферат на соискание учёной степени кандидата экономических наук. – М.: РЭА им. Г.В. Плеханова, 1997. -21 с.
9. Кулдашев Ш.А. Таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. -Т.: 2023.
10. <https://www.teachmint.com/glossary/e/educational-services/>

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.

<p>А.Мустафоев</p> <p>Характеристика негосударственных образовательных учреждений как субъектов учета в национальной экономике республики</p> <p>Аннотация: В данной статье рассматриваются такие вопросы, как роль негосударственных образовательных учреждений в стране, значение негосударственных образовательных учреждений как субъектов бухгалтерского учета внутри этих организаций, определения негосударственных образовательных учреждений, разработанные нормативными правовыми документами и экономистами, а также предложено авторское определение.</p> <p>Ключевые слова: неправительственные организации, неправительственные образовательные учреждения, образовательные услуги, общеобразовательные учреждения, дошкольные образовательные учреждения, образовательный процесс, финансовая отчетность.</p>	<p>A.Mustafoev</p> <p>Characteristics of non-government educational institutions as accounting subjects in the national economy of the republic</p> <p>Abstract: This article deals with issues such as the role of non-governmental institutions in the country, the importance of non-governmental educational institutions as accounting entities within these organizations, definitions of non-governmental educational institutions developed by regulatory legal documents and economists, and also the author's definition is proposed.</p> <p>Key words: non-governmental organizations, non-governmental educational institutions, educational services, general education institutions, preschool educational institutions, educational process, financial reporting.</p>
--	--

Azamat Abdiraximovich Eshonqulov – TIFT Universiteti “Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrası mudiri, i.f.f.d. (PhD), dotsent v.b.

**TARKIBIDA SHO‘BA KORXONASI BOR KORXONALARDA
KONSOLIDATSIYALASHGAN MHXS ASOSIDA TUZISH
USLUBIYOTINI TAKOMILLASHTIRISH**

Annotatsiya: Ushbu maqolada korxonalarda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga asoslangan konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotlarni tuzish uslubiyotini takomillashtirish masalalari ko‘rilgan. Ayniqsa, tarkibida sho‘ba va qaram korxonalari bo‘lgan yirik korxonalar uchun konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotlarning ahamiyati katta bo‘lib, ularning to‘g‘ri tuzilishi investorlarga, kreditorlarga va boshqa manfaatdor tomonlarga korxonalar moliyaviy holatini to‘liq va haqqoniy aks ettirish imkonini beradi.

Kalit so‘zlar: Konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobot, xalqaro moliyaviy hisobot standartlari, sho‘ba korxonalar, qaram korxonalar, hisobot tuzish uslubiyoti, moliyaviy hisobotni takomillashtirish korxonalar moliyaviy holati.

Kirish. Jahonda iqtisodiyotning globallasuvi sharoitida konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotlarni xalqaro standartlar asosida takomillashtirish bo‘yicha xalqaro ilmiy loyihalar va ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. Konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotni tuzish, uning normativ-huquqiy asoslarini kengaytirish va mustahkamlash, xalqaro standartlar asosida transformatsiya qilish yoki parallel ravishda tuzish, konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotlarni xalqaro standartlar asosida takomillashtirish bu boradagi ilmiy tadqiqot ishlarining muhim yo‘nalishlaridan hisoblanadi. Butun dunyo davlatlari tajribasidan ma‘lumki, korxonalar faoliyatini samarali boshqarishda ko‘proq ularni yirik guruhlariga birlashtirgan holda tuzish maqsadga muvofiqdir. Bunda ikki yoki undan ortiq korxonalar moliyaviy-iqtisodiy jihatdan bir korxonalar ostida birlashadi. Korxonalar birlashtirish deganda, alohida bir korxonaning ikkinchisiga qo‘shilishi yoki bir korxonalar ikkinchi korxonaning sof aktivlari va ishlab chiqarish faoliyati ustidan nazoratni sotib olish natijasida yuzaga keladigan bir iqtisodiy birlikka qo‘yilishiga aytiladi. Bu, asosan, biror-bir faoliyat bilan shug‘ullanayotgan korxonaning egalari tomonidan ushbu korxonalar tarkibida bir nechta kichik mustaqil korxonalar birlashtirish tashkil etishga bo‘lgan harakatidan kelib chiqadi. Buning natijasida soliq to‘lovlarini qisqartirish yuzaga keladi. Shuni takidlash lozimki konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobot tuzish 2021 yildan boshlab

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 05.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.